



# Ishonch

Тадбиркорликда  
саъй-ҳаракат  
кўрсатиш, тақдир  
қисматларда  
ғолибликка  
олиб келиш  
демакдир.  
— ЗАМАХШАРИЙ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини рағбатлантиришни кучайтириш, мамлакат иқтисодийнинг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш, янги иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қўшимча равишда қўлай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб 1-иловага мувофиқ кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини пайсантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, бир ой мuddатда, бино майдони ўлчамига, унинг неча қаватлиги, ер участкаси майдони ва унда объектлар мавжудлигига қараб ишларнинг ҳар бири бўйича кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш хизматларига белгиланган тартибда қайд этилган тарифларни тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Давлат табиати муҳофазат қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб:

тадбиркорлик объектларининг архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қўймати 2-иловага мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва jismoniy шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини — энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан 2 баробари миқдоригача; тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисобрақамларини очиб унун тўловларни — энг кам иш ҳақи миқдорининг 1 баробаридан 0,5 баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса — энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пайсантириш тўғрисидаги таклифларни маъқулласин.

3. Белгилансинки, кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касана-чилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳодимлар сонининг чекланган нормативидан қўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган қаволлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси мунтазам равишда:

жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши мониторинги олиб борилишини таъминласин. Мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни, аниқ таклифлар билан биргаликда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгашига ҳар чоракда кириб бориш;

жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас (ноқонуний) деб эътироф этиш тўғрисида, шунингдек, жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида суҳбатларга даъво аризалари киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун мuddатда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритсин. Вазирликлар ва идоралар бир ой мuddатда идоровий мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2009 йил 15 май

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ PREZIDENTINING 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК FAOЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ГИ ПҚ-1112- СОНИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда иқтисодийнинг гоят муҳим соҳаси бўлиши кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг қадоқларни ва химоясининг кули тизимини яратишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Бунинг боиси шуки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало, кичик бизнес бозор конъюктураси ўзгаришларига тез мослаша олишга, истеъмол-

чиларнинг талаб-эҳтиёжлари қандай ўзгаришига қараб иш тута билишга қодирдир. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантиради, бусиз бозор иқтисодиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, кичик бизнес янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг бандлиги ўсишини ва унинг даромадлари ошиб боришини таъминлайди. Учинчидан, кичик бизнес ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бо-йитишининг муҳим манбаи ҳисобланади.  
(Давоми 2-бетда)

■ Ёз — 2009

## Мавсумга тайёргарлик

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ўқув марказида Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотчиларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Унда барча дам олиш оромгоҳлари раҳбарлари, мавсумга тайёргарлик бўйича масъул ходимлар болаларнинг мазмуни дам олиши юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

— Бу йил республика бўйича 766 та, жумладан 214 та шаҳардан ташқари, 18 та санаторий туридаги, 2 та спорт-соғломлаштириш, 1 та меҳнат ва дам олиш, 531 та мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда 245 миң болани соғломлаштириш режалаштирилган, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари, Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси раисининг ўринбосари Озода Мухитдинова.

— Уларнинг 50 фоиздан ортиги қишлоқда яшаётган кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандларидир. Жумладан, Оролбуйи минтақасидан уч миң нафар бола Тошкент шаҳри ва вилоятдаги оромгоҳларда бепул соғломлаштирилади. Бу йилги мавсумда асосий эътибор болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб этиш, хавфсизликини таъминлаш, улар ўртасида маданий-маърифий, спорт тадбирлари ва тарбиявий ишларни йўлга қўйишга қаратилади.

Семинар кенгашида, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Исролбек Жаҳонгиров, Республика санитария-эпидемио-



логия марказининг бош врачлари ўринбосари Нуриддин Отабоев, Халқ таълими вазирлигининг бошқарма бошлиғи Умид Эгамбердиев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг ўринбосари Одина Жамолдинова, Маънавият тарғибот марказининг бўлим мудири Ҳалима Жуманиёзова ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари сўзга чиқиб, мавсумга тайёргарлик ҳақида маъруза қилдилар. Шундан сўнг Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокда давра суҳбати бўлиб ўтди.  
**Нарзулла МАҲАМОВ,**  
«Ishonch» мухбири



■ Анжуман



## Ёшлар ижтимоий ҳимояда

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан пойтахтимиздаги олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлирида тахсил олаётган бир гуруҳ ёшларга стипендиалик гувоҳномаси ва эсдалик совғалари топшириш маросими бўлиб ўтди. 5 нафар талаба бирлашма кенгашининг стипендияси соҳибига айланган бўлса, 10 ўқувчи эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда мукофотланганлар номидан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти 1-курс магистранти Баҳром Муродов, Тошкент ирригация ва мелiorация институти 3-курс талабаси Жонибек Йўлдошев ҳамда Чилонзор матбаа қолме 2-курс талабаси Камолат Шамсиддинова сўзга чиқиб, бундай ғамхўрлик уларни янги ютуқларга илҳомлантириши ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг мажлисида ҳам ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш ва уларни касаба уюшмасига жалб этиш ишларини кўйатириш ҳақида сўз борди.

Бирлашма кенгаши раиси Нурулла Намимов бу борада олиб борилаётган ишлар, муаммолар тўғрисида йиғилганларга маълумот берди.

— Иқтидорли, жамоатчи талабаларга олий ўқув юртлири бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан доимий равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда, — деди кенгаши раисининг ўринбосари Файрат Зуннунов. —

Ёш оилалар мунтазам қўллаб-қувватланаётти. Олий ўқув юртлирида тахсил олаётган 761 нафар талабанин 152 млн. сўмдан зиёд қарздор пулини бир қисми 119 та корхона томонидан тўланади. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшлар ҳамда талабалардан 920 нафари профилактикаларда соғломлаштирилди.

Мажлисда, шунингдек, Тошкент давлат иқтисодий университетининг проректори Маҳмуд Болтабоев «Ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар», «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими кенгаши раиси ваифасини бажарувчи Маҳмуд Асомов «Камолот» ва касаба уюшмаларининг ҳамкорлиги, енгил атлетика бўйича Осиё чемпиони, Афина ва Пекин Олимпиадалари иштирокчиси Гузал Хуббиева «Ёшларнинг спорт соҳасидаги фаолияти» мавзуда маъруза қилди.

**Шерзод АБДУСАМADOV,**  
«Ishonch» мухбири,  
Иқром ҲАСАНОВ олган сурат

■ Модернизация

## Қишлоқда гишт заводи

Кашкадарё вилоятининг Камаш тумани Кизилтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган «Kambrik» тақваси масъулияти чекланган жамиятига қарашли заводда бир кеча-кундузда 35-40 миң дона гишт ишлаб чиқарилиб, қолмеж берилапти.

— Бир пайтлар касодга учраган ва фаолияти тўхтаб қолган корхонада молиявий аҳвол яхшиланиб, ишлаб чиқариш жараёнини тиклашга эришилди, — дейди жамоа раҳбари Камол Алиқулов. — Айна пайтда 20 га яқин корхона курилиш материаллари билан таъминлаб келяпмиз.

**Иззат ҲИҚМАТОВ,**  
«Ishonch» мухбири

■ «Ishonch»га жавоб берадилар

## «Пенсия таъминотидаги узилишлар»

2009 йил 16 апрел, 46-сон

Мақола вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш бош бошқармаси томонидан Адлия вазирлигига 1995 йил 30 августда 165-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Алоҳ» вазирлиги корхоналари томонидан пенсия ва нафақа тўлаш бўйича» йўриқнома талабларига эид равишда ижтимоий тўловлар мунтазам кечиктириб молиялаштирилган. Шунингдек, тижорат банклари томонидан молиялаштирилган маблағлар ўз вақтида нақд пулда таъминланмаганини оқибатида, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах филиали ва унинг қўйи тизимларининг пенсионерларга пенсия тўловлари кечиктириб тўлалишига йўл қўйганини аниқланиб, мақолада қайд этилган ҳолатлар тасдиғини тоғди.

Тегишли натижаларига қўра, қонунбузилишларни бартараф қилиш юзасидан вилоят пул-кредит сибсати комиссияси раиси номига тақдимнома киритилди ҳамда бу борадаги ишларни лозим даражада ташкил мағаллиги учун Арнасой, Дўстлик, Мирзақўл, Пахтакор, Галлаорол, Жиззах туманлари ва Жиззах шаҳар ҳокими ўринбосарларига нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилди. Ушбу туманлар ДСИ бошлиқлари ва вилоят ДСБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Ф.Йўлдошев қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида оғохлантирилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг март ойида 24 нафар тижорат банклари бошқарувчилари маъмурий жавобгарликка тортилганини инобатга олиниб, пенсия, нафақа ва биринчи даражали тўловларни ўз вақтида нақд пул билан таъминлаш чораларини кўрмагани учун 20 апрелда Республика Марказий

банк томонидан вилоят бош бошқармаси бошлиғи К.Сарибоев, Республика АТ «Алоҳбанк» бошқармаси томонидан вилоят филиали бошқарувчиси Ш.Муртазов, Республика ОАТБ «Агробанк» бошқармаси томонидан 18 апрелда вилоят бошқармасининг Баҳмал туманидаги Ўсмак филиали бошқарувчиси С.Шодиев ва Форш туманидаги Янги қишлоқ филиали бошқарувчиси Ж.Абдураҳмоновларни эгаллаб турган лавозимларидан овоз этиш билан чегараланилди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текшириш натижаларига қўра, 4 та тақдимнома киритилди, 12 нафар шахс оғохлантирилди, 7 нафари интизомий, 4 нафари маъмурий ва 5 нафари моддий жавобгарликка тортилди.  
**Д.ҚУРБОНОВ,**  
Жиззах вилоят прокуратурининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

### Ўзбекистон — умумий ўйимиз

#### Қардошлик фестивали

Қўрағонтепа тумани Андижон вилоятининг Қирғизистон билан чегаралов ҳудуди саналади. Яқинда туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан бу ерда «Ёшлар бирлашса — миллат бирлашар» шiori остида фестивал бўлиб ўтди. Қатнашчилар юртимизда яшаётган ҳар бир миллат вакили учун мустақиллик қадри экани, унинг равнақи учун барча бирдек масъулигини таъкидлашди. Фестивал дўстлик ва қардошлик байрамига айланиб кетди. Миллий рўҳдаги айтушулар, спорт мусобақалари, таомлар танлови, болалар ўйинлари, қардош миллатлар — рус, қирғиз, корейс, татар, тожик ва ўзбек халқларининг миллий кўргазмаси фестивалга қўрқ бағишлади. Чавандозлар баҳси — кўлқарида ўш, Оқтош, Ҳўжа-обод ва Жалақудук туманидан келган улоқларни ўзаро беллашдилар. Кечга яқин туман истироҳат боғида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Абдулхай ЮНУСОВ,**  
«Ishonch» мухбири

### 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

#### Эзгуликка даъват

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини бажариш учун Қашқадарё вилоятида 2 трлн. 447 млрд. сўм маблағ сарфланиши мўлжалланган. Дастурга мувофиқ вилоятда қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, кен қўламли ободонлаштириш, замонавий лойиҳалар асосида қурилиш ишларини амалга ошириш, қайта ишлаш саноатини, кичик бизнесни, савдо ва хизмат кўрсатишни, фермер, деҳқон ҳўжаликларини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш маданияти ва фаровонлигини юксалтириш ишлари ушшоқлик билан олиб бориляпти.

**И.ИСОМИДИНОВ**

# Меҳнаткаш манфаатига йўналтирилган

**Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмалари фаолиятида уч муҳим йўналиш — бандлик, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитини яратиш етакчи ўрин эгаллайди.**



Жамоа шартномаси амалда

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV Курултойида келишувлар изчиллиги, ҳаётийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хўш, бу меъёрий ҳужжат асосида нима иш қилинмоқда? Мухбиримиз шу хусусида Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Мирзо Хайтов билан мулоқотда бўлди.**

— Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамда касаба уюшмалари иштирокида уч томонлама 2008-2010 йилларга мўлжалланган ҳудудий келишув имзоланган, — деди у. — Амалда бўлган 49 та тармоқ келишувлари ҳамда 12911 та жамоа шартномалари ҳам муносиб ҳаёт учун хизмат қилмоқда. Меъёрий ҳужжатлар бугунги кунда 543 мингга яқин киши манфаатини қамраб олапти. Шартнома ва келишувларга қиртилган кўплай имтиёзлар меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳимояси тўлақонлигини таъминляпти.

ги, айниқса, тахсинга сазовор. 1920 ёш оилага 63,8 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бунинг 15,1 миллион сўми жамоат ташкилоти ҳиссасига тўғри келади. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган оналарнинг 783 нафарига 38,6 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 79 ёш оилага 82,1 миллион сўмлик фойсиз кредитлар ажратилди. 127 нафар талабаларнинг контракт пулларининг бир қисми, аниқроғи, 50,2 миллион сўми тўлаб берилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2874 нафар фарзандлари бепул ўқув қуроллари, дарсликлар ва кийим-бошлар билан таъминланди.

Шунингдек, 17 нафар олий, 28 нафар ўрта-махсус таълим муассасаларида тахсил олаётган кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандларига касаба уюшмаларининг устама стипендияла-

ри тўлаб оорилди. 20437 нафар мактаб ўқувчилари оромгоҳларда дам олдирилди. Шунингдек, спорт жамяти тизимида шуғулланаётганлардан бир киши жаҳон чемпиони совриндори, 4 киши Осиё чемпионати голиблари сафидан жой олди. 16 нафар спорт усталлигига номзодлар етишиб чиқди. — Амалдаги йилда бутун эътиборни давлат дастури ижросига қаратганмиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Жойлардаги кам таъминланган, кўп болали оилалар, кесая ноғиронлар ғамхўлик билан қамраб олинади. Бу йил 95 миллион сўм миқдорига маблағ ана шу эътиборларга йўналтирилди.

Касал оилалар, ноғиронлар, байналмилалчи жангчилар ҳамда талабаларнинг 8 минг 550 нафарига тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармон харажатларини қоплаш учун 17 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Аёлларнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кўни узайтирилмоқда. Жамоа шартномасига биноан кўп болали аёлларнинг иш кўни маоши сақланган ҳолда ҳафтасига камида 1 соатга қисқартирилди. Бу йил 437 нафар ходим Федерация кенгашининг Курортлар бошқармасига қарашли санаторийларда соғломлаштирилади. Шундан 394 нафари имтиёзли ва 43 нафари бепул йўлланма олади. Андижон Давлат университетининг санаторий-профилакторийида 95 нафар бошқа вилоят ва чекка туманлардан келган талабалар ҳам саломатлигини тиклайди.

Улардан 25 нафари кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандлари, етим-есирлар ноғиронлар бўлиб, бепул даволандилар. Жойларда спортнинг оммавийлигини ошириш, ишчи ва педагог-ҳодимлар ҳамда ёшларни спортга кенгроқ жалб этиш кенгашининг муҳим вазифаларидан саналади. «Саломатлик, соғломлаштириш, мазмунли ҳордиқ чикариш...» шiori остида мини футбол, волейбол, стол тенниси, шашка, шахмат ва енгил атлетика турлари бўйича спартакиада ўтказилди. Унда чекка қишлоқлардан қарийб 10 мингга яқин педагог-ҳодим қатнашди. Бу йил 9 минг нафар ўғил-қиз ёзни оромгоҳларда ўтказди. **Ҳамидулло МАТИСАЕВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ги ПҚ-1112-сонли ҚАРОРИГА ШАРҲ

**(Боши 1-бетда)**  
Республикада кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича аниқ-равшан чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб боришмоқда. Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини «бир дарча» орқали тезлик билан давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиқга тортиш тизими жорий этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2008 йилдан 10 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга пасайтирилди. Янгидан ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича ихтисослаштирилган банк — «Микрокредитбанк» ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдирishга кредит беришнинг максимал муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари қўрилди.

Қабул қилинган қарорлар, имтиёз ва преференциялар кичик бизнеснинг жадвал ривожланишига имконият яратди, бунинг натижасида унинг янги ички махсудотлари улushi 2000 йилдаги 33,8 фоиздан ҳозирги вақтдаги 48,2 фоизгача кўпайди. Бугунги кунда жами банд аҳолининг 76 фоиздан кўпроги маъмурият ҳудудларида меҳнат қилмоқда. Утган йилнинг ўзидagina кичик бизнес соҳасида 374 мингдан кўпроқ янги иш жойлари яратилди.

Жаҳон таърихида шундан далолат берадики, айни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари оширишнинг гоят муҳим омилли ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1112-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилди.

Бу асосларда, 2009 йил 1 июндан бошлаб уй-жой бинолари ва иншоотларнинг ўлов ишларини ўтказиш, техник инвентарлаштириш, паспортлаштириш ҳамда баҳолаш бўйича кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш, яшашга мўлжалланган бинолар ва иншоотлар кадастри учун бино (иншоот)ни ўрганиб чиқиш, баҳолаш ҳамда паспортини тузиш ишларининг тарифлари икки баробар пасайтирилишидир. Бундан ташқари, топография-геодезия ишлари комплексини амалга ошириш ва кадастр хизматлари томонидан кўрсатиладиган бошқа турдаги хизматлар учун тарифлар 40 фоизга пасайтирилди.

Объект қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқишда архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш кўпмаъража тадбиркорлик субъектлари учун икки баробар, яъни энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 10 баробари миқдоригача пасайтирилди, муҳандислик коммуникацияларига улаиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш тўловлари бутунлай бекор қилинди. Натижада, аввал тадбиркор архитектура-режалаштириш топшириқларини тайёрлашга жами энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдоридан ёки 1,1 млн. сўмдан кўпроқ тўлаши лозим бўлса, эндиликда, қабул қилинган маъмурият қарорига мувофиқ, ушбу сўмга 280400 сўмгача, қишлоқ жойларда эса 140200 сўмгача пасаяди.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ўтказиш қўймати энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 3 баробаригача ёки 3,3 баробарга пасайтирилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган бож миқдори пасайтирилди. Банкларда ҳисобрақамларини очиш тўловлари камайтирилиб, 280400 сўмга, қишлоқ жойларда эса 2804 сўмга туширилди. Экологик экспертизани ўтказиш учун тўлов ҳақи анча сезиларли қисқартирилди, у атропо-муҳит зарар келтириш хавф-хатари даражасига қараб табақалаштирилган тартибда белгиланди.

Касаначиликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Маъмурият масаласини ҳал этишда кичик бизнес иштирокини кенгайтириш мақсадига, қабул қилинган қарорда кичик корхоналарга ўз уйларда ишлаётган касаначилар билан, қўнун ҳужжатларида белгиланган ҳодимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фойс ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқи берилмоқда. Айни вақтда кичик корхоналар учун назарда тутилган қарорлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланб қолмоқда.

Қарорда республика Бош прокуратураси, Монополиядан чикариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўймасига жойлардаги давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик, айниқса кичик бизнес субъектларининг қўнуний ҳуқуқларига риоя этилиши, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ руҳсатномаларни олишда, ушбу масалаларни ҳал қилишда бюрократик тўсиқларни вужудга келтирмаслик ва сансаторликларга йўл қўймаслик устидан қатъий назоратни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қароридан назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шўбасиз, кичик бизнесни жадвал ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш ва юритиш, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг гоят муҳим, устувор вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш учун яна ҳам кўпроқ қўлай шарт-шароитларни яратиш беради.

## Хўнардан — бахтинг унар

Марғилондаги «Ёш хўнарданд ресурси» марказида ипаклик гилам тўқиш йўналиши бўйича қўллаб-қувватлаш ёшлар хўнари ўрнатилди. **Суратда: гилам тўқувчи Ҳаётхон Исоқова иш устида.**



## Сўлим масканлар

**Фарғона водийсидаги «Чимён» сихатгоҳи ёнида сўлим дам олиш маскани борки, у Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Марказий кенгашига қарашли. Бу ерда темирўлчилар билан бирга истаган ҳамюртимизнинг дам олиб, даволаниши учун барча шароит яратилган.**

Чимён — қир-адирлар бағрида жойлашган сўлим масканлардан бири. Бу ерда намлик ва атмосфера босими деярли бир хил. Доимо эсиб турувчи шабада, табиий булоқлар, ундан ўтувчи Олтиариқсой атропоген ўрикзор ва шафтолизорлардан иборат борроғлар бу жойларга чирой ва файз бахш этиб туради.

Сихатгоҳ 1974 йилда ташкил этилган. Утган йиллар давомида бу ерда қанчадан-қанча ортодошларимиз соғлигини тиклаб кетди. Дастлаб 60 ўринга эга бўлган маскан пансионат деб аталарди. Кейинчалик у кенгайтирилди, ривожлантирилди. Ҳозир бу ерда бир вақтининг ўзида 200 киши бемалол ҳордиқ

чиқара олади. Уларнинг сони эса йил сайин ошиб бормоқда. Чунки санаторий жамоаси ҳар йили кўпроқ миқдорда врачлар Амриддин Аҳмедов, — Таъмир ишларини давом эттириш учун 2009 йилда яна 275 млн. 700 кишини қабул қилиш

нони таъмирлаш учун компания томонидан 250 млн. сўм маблағ сарфланди, — дейди сихатгоҳ бош врачлари Амриддин Аҳмедов. — Таъмир ишларини давом эттириш учун 2009 йилда яна 275 млн. 700 кишини қабул қилиш


олувчилар яхши ҳордиқ чикариши учун 120 ўринли кинозал, видеозалон, спорт зали, теннис, билярдхона, чойхона, бар ишлаб турибди. Меҳмонлар махсус автобусда деярли ҳар кун Кўкон, Марғилон, Фарғона, Қува каби шаҳарларда бўлиб, водийликларнинг урф-одатлари, яшаш тарзи, хўнардандчилиги билан танишадилар. Ҳозир санаторийда янги даволаниш усули —

шу усулда самарали шифо топмоқда. Шунингдек, сувли муолажа бўлимида 20 та ванна мунтазам ишлаб турибди. Маъданли сув таркибида олтингургурт миқдори кўп бўлиб, у кўпгина касалликларни даволашда қўл келмоқда. Сув ости уқал муолажаси ҳам янги даволаш усулларидандир. Бўлимда турли гиёҳлар ёрдамида даволовчи фитованналар ҳам мавжуд.

# Соғлом бўлай десангиз,



режалаштирилган бўлса-да, 4900 киши дам олдирилди. Санаторийнинг равнақи, хизмат биноларининг талаб даражасида таъмирланиши ва жиҳозланишига «Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ҳамда тармоқ касабаси уюшмалари Марказий кенгаши томонидан қатъий эътибор қаратилаётгани сабаб бўлмоқда. — Утган йили уч қаватли би-



валги йилларда ажратилган маблағ ҳисобига 1974 йилда қурилган дастлабки бино таъмирланди, ўзимиз ишлаб тоған пулга меҳор ва жиҳозлар янгиланди. 2008 йилда тармоқ касабаси уюшмаси томонидан ажратилган маблағ ҳисобига сихатгоҳ ошхонасидаги катта совутиқ таъмирланди. Спорт залимиз учун 5 та тренажёр олинди... Таъмирланган хоналарнинг деворларига рангли пластиклар қоплангани, полларга янги гиламлар тўшалгани, ҳар бир хона бетактор жиҳозлангани кишида завқ уйғотади. Ҳатто, балкон деворлари ҳам кафелланган. Замонавий эшик-деризалар хоналар ҳуснига чирой қўшади. Сихатгоҳда 20 та люкс хона мавжуд. Шифо масканида дам


сув остида умуртқа поғонасини тортиш йўлга қўйилди. Бунинг учун даволаниш ваннаси махсус жиҳозланди. Умуртқа поғонасида грижаси бор беморлар Тўрт камерали ваннада қўл ва оёқлар муолажа қилинади. Ошқозон ва ичаклар минерал сув билан ювилади. Шам ва озокерит билан даволаш бўлимида

**Хабар**  
«Ўзавтодартранс» агентлигига қарашли 2529 давлат унитар автокамланмасининг «Қаршикам-кортранс» шўъба корхонаси жамоаси 30 та янги Самарқанд автобус заводида ишлаб чиқарилган ISUZU NP 37 ISUZU NP 21 русумли автобусларни сотиб олди.

**Янги автобуслар**  
Янги транспорт воситалари лизинг асосида «Ўзавтодартранс» агентлиги томонидан корхонага ажратилган 420 миллион сўмлик фойсиз кредит маблағлари ҳисобига келтирилди. Ушбу автобуслар Қарши шаҳридаги «Темирўл шоҳбекати» — Ерқўрғон бозори» йўналиши бўйича ҳаракатланиб, аҳолининг оғирини енгил, йўлини яқин қилапти. Мухими, вилоят марказига қўшимча автобуслар келтирилиши муносабати билан 66 та янги иш ўрни яратилди. **И.ИСОМИДИНОВ**

18 май — Халқаро музейлар куни

Инсоният тафаккурининг нечоғлик чегарасиз экани музейларга жо бўлган тарих силсиласида яққол намоён бўлади. Бу даргоҳда мозий қатларидаги суронлар, юксалишлар, урушлар, умуман, башариётнинг маълум, номаълум эврилишлари... таассурот чизиқлари бўйлаб гир-гир айлана бошлайди. Кайтарилмас тўғри ва нотўғри ишлар, афсус ва қувонч хислари вужудингизни қамраб олади. Мозийга қайтиб иш тутмоқ, сабоқ чиқармоқ нечоғлик хайрли экани кўз олдингизда акс этади. Башариёт интилган максат моҳияти узук-юлук лавҳаларда секин-секин уйғунлашиб яхлит манзара касб этади. МОХИЯТнинг эшиклари очила бошлайди...



Фақат француз инқилобига Франция музейларининг эшикларини ҳамма учун ланг очиб қўйди. 1793 йилда республика ҳукумати Париждаги

ташқил этиш йўлга қўйилган. Шунингдек, экспозиция ва фонд материаллари асосида веб-сайтлар яратилиш, кўргазмалар ташқил этиш, тadbирлар ўтказиш йўли билан ўзбек давлатчилиги тарихи, халқимизнинг маданий ёдгорликлари ва асрлар давомида олиб борилган яратувчилик ишларини тарғиб этиш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда. Музейнинг илмий экспозицион фаолият йўналишларидан яна бири мавқақат ва кўчма кўргазмалар тайёрлашдир. 2003 — 2008-йилларда давомида 30 га яқин

# Музей. Мозий. Моҳият.

Маълумки, Ўзбекистон тарихи давлат музейи республикамизнинг салоҳияти ва нуфузи илмий, маданий-маърифий маркази ҳисобланади. У 1876 йили Тошкент музейи асосида ташқил этилган. 1943 йилдан ЎзФА таркибиде фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги қарорига мувофиқ мустақил илмий-тадқиқот муассасаси сифатида қайта ташқил этилган бўлса, 1994 йил августдаги қарорига биноан унга давлат музейи мақоми берилган.

Луврни миллий музейга айлантирди. 19-асрда илк дафъа музей бинолари қурила бошлади. 1830 йили Берлинда бунёд этилган Алтес музейи биринчилардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи давлат музейида бир қанча каталоглар, йўлқўрсаткич, буклет ва моногра-

кўргазма тайёрланди. «Ўзбек халқ ҳунармандчилиги», «Қоратепа — Урта Осиёдаги буддавийлар маркази», «Хоразм Мамун академиясининг 1000 йиллиги», «Қадамий ва навқирон Қарши», «Мариялон шахрининг 2000 йиллиги» ҳамда «Тошкент: кеча ва бугун» шулар жумласидандир. Шу билан бирга, музей хорижда ўтказилган кўргазмаларда ҳам фаол

қатнашиб, мамлакатимиз тарихи, маданий меросини тарғиб этиб келмоқда. Айниқса, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Германияда ташқил этилган кўргазмалар эсада қоларли бўлди.

Эрмитаж дунёдаги энг катта ва энг нодир экспонатларни жамлаган музей ҳисобланади. Ундаги 3 миллионга санъат асари ва қадимий буюмларга бир қур назар ташлаш учун тахминан 24 километр йўлни босиб ўтиш керак экан. Эрмитаж жойлашган Кишки саройни меъмор Б.Растрелли 1732 — 1735-йилларда қурган. Айнан унинг лойиҳаси бўйича сарой 1754 — 1762-йиллари тубдан қайта бунёд этилган. Саройни безаш учун илк марта машҳур расмоларнинг 225 картинаси сотиб олинган ва 1764 йилдаёқ Эрмитажга асос солинган. Аммо Россиянинг бош музейи сифатида императорлик Эрмитажининг тантанали очилиш маросими 1825 йилда бўлиб ўтди. Саройнинг 2000 та дераза, 1800 та эшик, 120 та зинапоёси мавжуд бўлиб, бинони ўраб олган панжараларнинг узунлиги икки километрни ташқил этади. 1988 йили Эрмитаж жаҳоннинг энг катта картиналар галереяси сифатида «Геннингнинг рекордлар китоби»га киритилган.

2003 йил 19 февралда Президентимизнинг Ўзбекистон тарихи давлат музейига ташрифи чоғида билдирган фикр ва йўл-йўриқлари музейда олиб бориладиган ишлар, экспозицияни такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Шу йили ўзбек халқининг тарихи ва унинг давлатчилигини ўрганиш концепцияси асосида музейнинг янги экспозицияси яратилди. Унда Ўзбекистон тарихининг энг қадимги давларидан ҳозиргача бўлган даври акс этган. Бу «Ўзбекистон ҳудудида тош асри», «Ўзбекистон ҳудудида жез (бронза) даври», «Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг юзага келиши ва ривожланиши», «Ўзбекистон ҳудудидаги давлат уюшмалари», «Ўзбекистонда илм-фан ва маданиятнинг тараққиёти», «Амир Темур ва темирйўл даври ренессанси», «16 — 18-асрларда Ўзбекистон», «Россия империясининг Урта Осиёни босиб олиши», «Ўзбекистон совет тоталитар тузуми даврида» ҳамда «Мустақил Ўзбекистон — овоз ва обод ватан» бўлимларида қамраб олинган. Шу тарихи музей фондларида 250 мингдан ортиқ экспонат жамланган. Шундан 60 минггаси археологияга, 80 мингдан зиёди нумизматикага ва 16 мингга этнографияга доир. Шунингдек, 100 мингга яқин архив ҳужжатлари ва китоблар сақланади.



Икки илон кўринишидаги тош тумор. (Э.а.650минг йиллик)



Александр Македонскийга оид қумуш танга (Э.а.IV аср).




Будда рақиблари билан (Э.а.II асрлар).

**Қундалик ташвишларни унутиб, кўзингизни юмиб тин олган лаҳзада ҳаёлингизда не-не ўтиши ва келажак манзаралари акс этмайди дейсиз. Шу каби ўз даврининг улкан воқеялигини қамраб олган оддий бир экспонатни ҳам мўъжизага қиёбласа эрзийди. Аслида, азал-азалдан башариётнинг кенгайтириш йўлида тинимсиз ҳаракатда. Бу жараённинг ютуқ ва ютқишлари айнан музейда ўз аксини топади. Музей — тарих. Тарих қамровини эса битта мақолада ифодалаш мумкин эмас. Келинг, яхшиси музейга боринг, ҳайрат оғушида ТАРИХнинг гувоҳига айланинг.** Акмал ТОШЕВ

Музей — табиатда топилган ёхуд одамзод томонидан ясалган у ёки бу буюмлар коллекцияси тўпланадиган ва намойиш этиладиган жой. Ҳозирги кунда санъатга, фанга, тарихга, санъатга, технология ва ҳоказоларга бағишланган музейлар мавжуд. «Музей» асли «музалар даргоҳи» маъносини англатувчи юнонча сўздан келиб чиққан. Музей деб аташ мумкин бўлган илк муассасалардан бири (милоддан аввалги 3-аср) Мисрдаги Искандария шаҳрида топилган. Унда санъат асарлари, астрономия ва жарроҳликда қўлланган асбоблар, филларнинг қозик тишлари, нодир ҳайвонларнинг терилари каби антиқа буюмлар намойиш этилган. Уша замонлардан бошлаб музей деб аташ арзийдиган кўплаб коллекциялар бўлган. Бироқ улар қирол саройи аъёнлари ва асилзода хонадонларга тегишли бўлиб, омманинг кўзидан анча нарида эди. Хатто 18-аср ўрталарида бунёд этилган Британия музейига ҳам бор-йўғи бир неча хос кишиларнинг киришига руҳсат берилган.

ўтказиш, ташхис қўйиш мумкин. Буларда ташқари, Олтириқ вагонларни буғлаб ювиш корхонаси бизга янги УЗИ ҳамда фиброгостродуоденоскоп аппарати олиб берди. Унинг ёрдамида беморларни замонавий усулларда даволаш мумкин. Санаторийда даволашнининг асосий негизини олтингургуртли сув билан ванна қабул қилиш ташқил этади.

шундай хусусиятга эгаки, ошқозон-ичак тизими, жигар, буйрак, ўт пуфаги, сийдик йўллари тазалайди. Олтингургурт инсон танасига тери ва қисман нафас йўллари орқали кириб қоннинг суюлтиради, 100 фоиз қон айланишини таъминлаш ҳисобига суррункали касалликларни йўқотида, тўпланган тузларни, холестеринни эритида. Танадаги ҳар хил хилларнинг чиқиб



нат қилади. Уқаловчилар Хидоят Азимова, Шерзод Юсупов, Қаниза Мўминова, Холида Турдиева, Нафосат Раҳимова, тиш даволаш ҳамшираси Гулмира Зулфиқорова, ванна бўлимидан Санобархон Ҳасанова, сиҳаттоҳ бош ҳамшираси Дилбар Аҳмаджонова, ҳамширалардан Саида Қодирова, Барно Дадажоновна, Насиба Аҳмедова, даволаш физкультураси бўйича олий маълумотли йўриқчи Убайдулло Собиров, шифокорлардан Лайло Бобоҷонова, Солиҳон Бўлишев, Бахтиёр Эргашев, Юнусали Сотқиновлар ҳам кўп йиллардан буён «Чимён» сиҳаттоҳида дам олувчиларга астойдил хизмат кўрсатиб келаятган ходимлардан. Аввало, Аллоҳ таоло инсон танасига дард бермасин. Агар дардингиз бўлса, ундан фориғ бўлиш учун «Чимён» сиҳаттоҳига албатта, боринг! Йўлнамаларни нақд пулга ёки пул ўтказиш орқали ҳам олиш мумкин.

**Адхам ДАМИНОВ**  
Суратларда: сиҳаттоҳ ҳаётидан лавҳалар. **А**  
Муаллиф олган суратлар

# «Чимён»га боринг



янги дарсенвал, кўп ва-зифаларни бажарувчи 4 дона «Зинда» аппарати олдик. Унинг ёрдамида оғриётган жойга тери орқали дори жүнатиш, игна муолажаларини

Унинг ҳар литрида 330 мг.га яқин олтингургуртли водород эритмаси мавжуд бўлиб, у инсон организмидеги кўпгина касалликларга шифо бўлади. Шифобахш сув

кетишига ёрдам беради. Шунингдек, дори-дармон ҳам берилади. Бу ерда юрак-томир, асаб, ҳаракат ва таянч аъзолари, ошқозон-ичак тизими, урологик ва гинекологик касалликлар даволанади. Яна электр токи ёрдамида даволаш хоналари, парафин ва озокерит билан даволаш бўлими, уқалаш хоналари, фитобар, тиш даволаш, игна билан даволаш хоналари мавжуд. Парҳез таомлар ҳам шифо истаб келганларнинг дарддан тезроқ халос бўлишига ёрдам беради. Маъданли сув эса яраларни битказидади. Агар пичоқ кесган жой бу сувга икки марта ботирилса, қон тўхтаб, яра бита бошлайди. Шунингдек, шифобахш сув давосил касаллигига ҳам даводир.

## Халқаро мавзу

**Инсон ҳаёти, ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофаза қилиш олий қадрият ҳисобланади. Айтиш жоизки, ҳозирги глобаллашув даврида бу масала ҳар қачонгидан актуаллик касб этмоқда. Сабаби, Ер қуррасининг баъзи давлатларида одаимийликка зид шафқатсиз ва гайринсоний қилмишлар содир бўлмоқда. Инсонни сотиш, унга товар сифатида қараш ҳолатлари кўзга ташланипти. «Одам савдоси — трафик» деган гап-сўзлар тез-тез қулқоқ чалитмоқда.**

# Инсон ҳуқуқи ва эркинлиги — олий қадрият

Шубҳасиз, БМТ инсон ҳуқуқларини дунёда қарор топтириш, тенглик, биродарлик ва эзгулик гоъларини тарғиб этиш борасида беқиёс лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этмоқда. Аммо, айрим халқаро уюшмаларда ва ташқилотларда ўз нафсини ҳамда ҳирсини қондиришга мойил шахслар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун тадқиқотчи В. Маларекнинг қуйидаги фикрига тўла қўшилиш мумкин. У эсади: «БМТнинг одам савдоси — трафик масалалари бўйича бетарафлик сиёсати асло йўл қўйиб бўлмайди. Ташқилот муаммоларини қанчалик жиддийлигини англаши ва қатъий, ҳал этувчи чоралар кўриши зарур. Аёллар дискриминациясини, гендер нотенгликни ҳеч қандай баҳона — этномада ий, эшопсихологик ва генетик сабаблар билан оқлаб бўлмайди. Секс — трафик ва дискриминация ҳар қандай жамиятда зўравонлик усуллари деб баҳоланиши лозим. Бинобарин, тарбиядаги, ижтимоий муносабатлардаги гендер нотенгликни бартафат эътибор билан демократик жамиятнинг куриб бўлмайди. Демократия, бу инсонлар арлик! Инсонпарварликка одам савдоси — трафик масалаларини қоршириб бўладими, ахир!»



Сиёсатшунос-психолог А.Адлернинг «Наташалар сотилди. Янги глобал аёллар савдоси» китобини варақлар эканман, вужудимни нафрат тўла ҳис-ҳақдон эгаллайди. Баъзи воқеа-ҳодисалар ақлимни шоширади. Олимнинг қалб қўридан чиққан қуйидаги сўзларни титраб-титраб ўқийман: «Урушлар ва инқилоблар пайтида ҳамда ҳаёт бемаъни деган қайфият ҳукм сурганида фоҳишабозликка ҳаддан зиёд аҳамият берилади. Бундай пайтда оғиз ва ёрдамга муҳтож аҳоли, айниқса, аёллар зўравонлик нишонига айланади».

Одам савдоси терроризм билан боғлиқ бўлиб, ундан келадиган даромад терроризмнинг иқтисодий асосини ташқил этаётганидан бугунги кунда ҳеч ким кўз ююлмайди. Терроризм кишилик жамиятининг келажиги учун ҳам жиддий таҳдид бўлиб, у умуминсоний, миллий, маданий, маънавий, диний қадриятлар, демократик ижтимоий-сиёсий институтлар, инсон ҳуқуқлари ва конфессиялараро ҳурмат, бағрикенглик каби соҳаларда эришилган ютуқларни барбод этувчи ёвуз куч сифатида ўзини намоён этмоқда.

Агар террорчилар катта молиявий маблағларга эга бўлмаганларида Россия, Шимолий Ирландия, Кения, Колумбия, Танзания, Япония, Франция, Албания, Аргентина, Туркия, Хиндистон, Миср, АҚШ, Ироқ, Покистон, Исроил, Жазоир, Испания, Англия, Қирғизистон, Ўзбекистон ва дунёнинг бошқа минтақаларида террористик актлар содир этилмаган, ўнлаб, юзлаб, ҳатто, минглаб гуноҳсиз инсонлар ҳаётдан бевақф кўз юмган, вайронагарчиликлар юз бермаган бўлар эди. «Бугун барча ақли расо одамларга, давлат ва сиёсат арбобларига бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, бутунлай ақлу ҳушини, инсонлик қиёфасини йўқотган бу разил террорчи кимсаларнинг ортида ҳар томонлама ўйлаб ташқил қилинган, катта молиявий маблағ ва бошқа имкониятларга эга бўлган, қўли узун, ўзининг ёвуз ниятларидан қайтмайдиған турли ақидаларсат марказлар турибди, — дея огоҳлантиради Юртбошимиз. — Булар ақли саёз, ирода, иймон-эътиқоди шакланмаган, гўр ёшларни террорчилар сафида бирлаштириб, бошқариб, уларни нафақат қурол-яроғ, аввало, вайронакор мафкура билан таъминламоқда. Улар ўзларининг инсониятга қарши қаратилган ниятларига етиш учун ҳар қандай қабиҳликка тайёр. Бундай марказлар, уларнинг «дохий» ва малайлар, шу жумладан, Европада ҳам, АҚШнинг ўзида ҳам ўз қиёфасини яшириб, пинҳона кўпуровчилик фаолияти олиб бораётгани, бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмаслиги аён».

Ҳозирги даврда террористик ташқилотларни ҳар томонлама, биринчи ўринда, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган давлатларнинг мавжудлиги ўта ташвишланарли ҳолдир. Бу террористик ташқилотларга катта миқдорда пул маблағлари ажратиш, ҳарбий техника, қурол-яроғ, ўқ-дори, захирали ва портловчи моддалар етказиб бериш, ҳарбий лагерлар ва базаларда жангарилар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ёрдам бериш, ярадор жангариларни даволаш имкониятини яратиш, шаҳар ва қишлоқларда террористик ташқилотларнинг штаб квартираларини очиб, қурол-яроғ омборлари қуришга имкон яратиш кабиларда намоён бўлмоқда.

**Б.РЎЗИЕВА,**  
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ФХДБ бўлими мудири, тадқиқотчи

Театр санъати даргалари

Машхур «Хамлет» спектакли Ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида узок йиллар қўйилган. Айниқса, симсиёх либосда, кўзларида чексиз азоб-изтироб акс этган бош қахрамон (Олим Хўжаев) сахнада пайдо бўлганда томошабинлар сеҳрланиб қоларди.

Олим Хўжаев фақат рол ижроси эмас, балки вақтли матбуотда спектакл тадқиқотчиси сифатида ҳам танилган эди. Унинг 1968 йил 3 сентябрда «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида босилган «Тафаккур театри» мақоласида шундай дейилган: «Хамлет XVI асрнинггина эмас, ...жаҳондаги адолатсизлик ишларини тартибга келтириш, барча ноҳақликларга қарши кучли инсон туйғулари ва олийжаноб инсонпарварлик пафосини беришга интилиш жиҳатидан XX асрнинг ҳам қахрамонидир».

нологни эшитиб, рус театр назариятчиси К.С.Станиславскийнинг «Санъатдаги ҳаётим» китобидаги ушбу сўзларни эсланман: «У (актёр — П.Т.) бир зум ўйлаб, диққатини бир нуқтага йиғди-да, беизтиёр ҳамма томошабинларни қўлига олди. У томоша залига қаратилган хирона ўйнардик, образлар миллитимиз руҳиятига сингиб кетарди. Кишилар яқинларини «дўстим Горацио» деб атайдиган бўлишган. Айниқса, спектаклдаги «Е ўлиш, ё қолиш» монологи кўпчилик томонидан ёд олинган. Уни айтиш мумкин бўлган жойларда Олим Хўжаевчасига ижро этиб юрганларининг гувоҳи бўлганман.



Архив

Бу сўзларга яна қўшимча қилиш мумкин: Шекспир қахрамони зиддиятларга тўла XXI асрда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Жаҳон, хусусан, ўзбек театрлари ҳам бу образга қайта-қайта мурожаат қилаётгани шундан далolat беради. Биринчи кўринишдаги биринчи саҳна: ...Элсинор қасрида машъум қабиҳлик ҳужм сурмоқда: аксини ўлдириб, янгасига уйланган қирол базму жамшид билан машғул. Лаганбардорлар, иккиозламачилар, манфаат, бойлик дардида юрган унинг атрофида парвона... Машшоқлар қиролни олқишлашяпти. Шунда саҳнага қоп-қора либос кийган Хамлет кириб келади. Уни кўрган «парвона»лар буринки жиҳрида. Шодийнага қўшилмаган Хамлетдан онаси мотам кийимини очмагани сабабини сўрайди. Хамлет (О.Хўжаев) волидан муҳтарамасига терс жавоб беради: «...На бу устимдаги қора ридо, онажон, на бу симсиёх кийимлар, на азоб исканжасида эзилган юракдан чиқаётган инграшлар, кўзлардан оқаётган на бу слоблар, на бу юзларнинг муңли кўриниши, на бу қайғунинг ташқи аломатлари кўнглимдаги нарсани очик айтмайди».

бир ҳаракат билан гўё ҳаммани чумоли сингари ҳовучлаб олди ва томоша охиригача ушлаб тургандай бўлди. Биз унинг иштирокида: ё ҳаёт, ё мамот! У шу топдан бошлаб бизни ўз таъсирига олди».

Станиславский бу сўзларни италян санъаткори Томазо Салвинига нисбатан айтган. Агар Олим Хўжаевни кўрганда ҳам бундан кам таърифламаган бўларди. Энди юқорида айтилган монологдаги «тилим боғланган экан, энди сен ўртан, эй дилим!», деган сўзларга бир эътибор берайлик!

Олим Хўжаев Хамлетни ўйнаган, Маннон Уйғур саҳналаштирган пайтда нималарни ўйлаган эканлар, деган савол беихтиёр ҳаёлимизга келади. Ўзбекистонни мустақлақасига айланган, бойликларини аёвсиз таллаган, зиялиларини қирғин-барот қилаётган кизил империяга қарши очик-ойдин курашиб бўлармиди? Мен театр санъаткорлари билан суҳбатлашганимда спектаклнинг «Дания — зиндон» саҳнасига қаршилик курсатилганини билдим. «Данияни эмас, иттифоқни назарда тутаётганлар», деган гап қилишган. Зиндон саҳнасидаги ашёларни олиб ташлаган. Баррибир Олим Хўжаев қарашлари, ҳаракатлари, сўзга берган урғулари билан таққиланган туйғуларни бўрттириб берган эдики, Дания эмас, ўзи яшаётган муҳит зиндон эканлигини зукко томошабин сезарди. Ҳа, биз исиз боғланган эдик, лекин туйғуларимиз озодликка интилган эди. Мана, мустақилликка ҳам эришдик. Ҳа Ватанидан узоқда, Москвада жон берган Олим Хўжаевга Президентимиз Фармонига асосан «Буюк хизматлари учун» ордени берилди. ...Олим Хўжаев ролни шундай мо-

«Давр изидан чикди, эй бевафо фалак, уни қайтадан эзига солиш менинг зиннамга тўшди». Спектаклдаги шу сўзларни изхор этишда Олим Хўжаевнинг бутун актёрлик истеъдоди намойён бўлади. Уша даврда бизлар ким эдик, нима мақсадда яшаб юргандик, деган саволни кўплар ўзига берган бўлса керак. Мана, ниҳоят мустақиллик шамоллари эсиб, кўзлардаги ёш қуриди, ҳар биримизнинг асл мақсадимиз амалга ошмоқда. Бу даврнинг изга тушганини ҳам ҳис қилиб турибмиз.

Бетакрор Олим Хўжаев

«Давр изидан чикди, эй бевафо фалак, уни қайтадан эзига солиш менинг зиннамга тўшди». Спектаклдаги шу сўзларни изхор этишда Олим Хўжаевнинг бутун актёрлик истеъдоди намойён бўлади. Уша даврда бизлар ким эдик, нима мақсадда яшаб юргандик, деган саволни кўплар ўзига берган бўлса керак. Мана, ниҳоят мустақиллик шамоллари эсиб, кўзлардаги ёш қуриди, ҳар биримизнинг асл мақсадимиз амалга ошмоқда. Бу даврнинг изга тушганини ҳам ҳис қилиб турибмиз.

Албатта, спектаклнинг муваффақиятли чиқишида театр жамоасининг, унда иштирок этадиган бошқа актёрларнинг ҳам катта хизмати борлигини унутмаслик керак! Аммо бош рол ижросида тўқнашуларда ўз иқтидорининг қирраларини ёрқинроқ очди. Айниқса, унинг севгилиси Офелияга бўлган муносабатини олайлик. Қабристон саҳнасида ёришаётган чироқлар унинг кўзларидаги тўширилади. Билмадим, севгилисини кўрмаётган пайт, актёр қанчалар кўз ёш тўккан экан?!

Мунаққидлар Хамлетга файласуф, доно Шекспирнинг қарашларини ўзини муҳажирлаштирган образ деб баҳо беришди. Олим Хўжаев ҳам образни гавадалантирар экан, ана шу хислатларга алоҳида эътибор берди.

Бунда яна ўша қабристон саҳнасида унинг гўрқовлар билан мулоқотини тилга олишга тўғри келади. Унда шундай сўзлар бор: «...Цезар кимдур, ер юзини титратган бир зот, у ҳам келиб қаро ерга айланди. Жаҳонга бош бўлган шундай куч, ҳайхот, сувоқ бўлиб бир деворга чапланди...».

«...Мана, ниҳоят, спектакл туғаб, пардалар ёпилди. Туйғулар туғишида қолган томошабинларнинг кўзларида ёш бўлса ҳам, руҳи енгил. Чунки улар ҳам жуда кўп дардларини томоша залида ўтириб унсиз изхор қилдилар. Улуғ актёр юқтирган юксак ҳислар энди уларнинг қонида, жонда алангалади. Бугун «Хамлет» асарини саҳналаштираётганлар шу мақсадга эришди-микан?»

Олим Хўжаев сиймосида унинг мен билган актёрлардан қандайдир устунлик томони борлигини сезардим. Юртимизнинг машхур санъаткорларини камситмаган ҳолда ул зотда ҳақиқий ўзбек зиялисининг тимсолини кўрадим. Ўзи ижро этган ролида таъкидлаганидек, «гўё ер юзига ҳақиқий бир инсон бахш этмоқчи бўлганлару, ҳамма илоҳлар мана шу инсонни танлаганлар, унга ўз тамгаларини босганлар», деганида худди ўзини айтётганга ўхшарди. Олим Хўжаевга кийим-бош, либоси, кўзойнаги ярашарди, ёмғир ёққан пайтларда кўтарган шамсияси ярашарди. Кийган кийимлари ҳамиша оҳорли бўларди. У кўпинча рафикаси, Ўзбекистон халқ артисти Шохидохоним Маҳзумова билан тевтра келарди. Йўловчилар тўхтаб уларнинг зоҳирий-ботиний маданиятига қойил қолганларини кўп кўрганман.

У рол ижро этаётганда биринчи қаторда профессорлар, олимлар, давлат арбоблари ўтиришарди. У иштирок этадиган спектакл бўладиган кўни театрга бошқача тартиб, манзара ҳукмон бўларди. Ахир Олим Хўжаев Ўзбекистон театр жамаити раиси, театр директори ва элнинг ардоқли санъаткори эди-да! Талабалар Хамлетни кўравериб, сўзларини ёд олишганди. Унга ўхшаб гапиришга, юришга ҳаракат қилишарди. Мана, актёрнинг кишиларга таъсири. Олим Хўжаев бу муваффақиятга Худонинг берган беназир иқтидори, меҳнати билан эришганлигини ҳамма биларди.

Ўзбек саҳна санъатида беқиёс из қолдирган Олим Хўжаевнинг хизматларини ўзбек халқи ҳеч қачон унутмайди.

Пардабой ТОЖИБОВ

«Хамза театрининг Хамлетни Шекспир ўйлаган ҳақиқий Хамлетдир... Театр «Хамлет» спектакли тўғриси Европадаги энг яхши театрлар билан бўйлаша олади», деганди у.

«...Ҳаёт мазмунини кайфу сафода деб туйнунган ёвуз оломон саҳнани ташлаб чиқиб кетади. Бутун вужуди алам ва изтиробга тўлган Хамлет томошабин билан юзма-юз қолади: «Оҳ, шу метин тана чириб, шабнамдай ҳавога айлиб кетолсайди. Е рабий, бу дунёдаги ҳамма нарсалар нақадар дилозор, чиркин, самарасиз кўринди кўзимга. Нақадар олчолдик, бемтини ёввойи кўкатлар қоллаган ҳамма ҳаётда кўпол, кўнгли қолдириш нимаики бўлса, ҳаммаси шу ердан ўтадиган тақрир бир боғчага ўқшайди бу дунё!.. Тилим боғланган экан, энди сен ўртан, эй дилим!» Шу мо-

Бутун буй-басти билан эшикни тўлдириб кириб келганида, Галлаорол қирларининг баҳорий насимини туйгандай бўлдим. Гўё орадан ўтган 35 йилча вақт ҳам ҳеч нарсани ўзгартиролмагандай. Уша-ўша, кўлида унинг доимий ҳамроҳи — профессорлар портфели, буйида бўйинбоғ, лабида содда, самимий нимқулги. Шу туриш-турмуш билан ҳам зийли, ҳам галлаороллик бўлиб қолишни эсланган одам Пардабой Тожибов бўлади. Унинг пенсияга чиқиб, «эркин ижодкор» бўлиб олганини эшитиб эдим. Газеталарда табиат мавзусидаги мақолаларига ҳам кўзим тушган эди. Бизга ҳам шу йўналишда «ёзган»ларини қолдириб, қандай келган бўлса, шундай — шамолдай қайтиб кетди.

Агар Пардабой ўзини театр журналистикасига бағишлаганида, бу соҳанинг анча-мунча «наҳанглири» ўзини четга олارد, — деган эди суҳбатлардан бирида таниқли публицист ва шоир Бахтиёр Ризо. — Чунки у талабалик йилларида Ҳамза театрининг (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) Олим Хўжаев ва Шукрур Бурхонов рол ўйнаган барча спектаклларини қолдирмай кўрган. Ҳатто Шукрур Бурхоновга «ўғил» тутинган.

Ҳақиқатдан ҳам Пардабой акани ўтган асрнинг 60-йилларидаги ўзбек саҳна санъати ҳақидаги суҳбатга тортсангиз, у соатлаб сизни зериктирмай олиб ўтириши мумкин. Бир гал келганида унга ўзбек театрининг жаҳонро машхур бўлган даври ҳақида мақола «заказ» бердик. Журналистик ҳарорат билан йўғрилган ушбу мақола унинг бу соҳадаги имконияти нечоғлик кенглигини курсатди. Қиссадан ҳисса шулки, вилоятлардаги Пардабой Тожибов каби тажрибали журналист-қаламкашларни жалб қилсак, бундан фақат матбуотимиз ютган бўлар эди.

Бетакрор Олим Хўжаев

«Давр изидан чикди, эй бевафо фалак, уни қайтадан эзига солиш менинг зиннамга тўшди». Спектаклдаги шу сўзларни изхор этишда Олим Хўжаевнинг бутун актёрлик истеъдоди намойён бўлади. Уша даврда бизлар ким эдик, нима мақсадда яшаб юргандик, деган саволни кўплар ўзига берган бўлса керак. Мана, ниҳоят мустақиллик шамоллари эсиб, кўзлардаги ёш қуриди, ҳар биримизнинг асл мақсадимиз амалга ошмоқда. Бу даврнинг изга тушганини ҳам ҳис қилиб турибмиз.

Албатта, спектаклнинг муваффақиятли чиқишида театр жамоасининг, унда иштирок этадиган бошқа актёрларнинг ҳам катта хизмати борлигини унутмаслик керак! Аммо бош рол ижросида тўқнашуларда ўз иқтидорининг қирраларини ёрқинроқ очди. Айниқса, унинг севгилиси Офелияга бўлган муносабатини олайлик. Қабристон саҳнасида ёришаётган чироқлар унинг кўзларидаги тўширилади. Билмадим, севгилисини кўрмаётган пайт, актёр қанчалар кўз ёш тўккан экан?!

Мунаққидлар Хамлетга файласуф, доно Шекспирнинг қарашларини ўзини муҳажирлаштирган образ деб баҳо беришди. Олим Хўжаев ҳам образни гавадалантирар экан, ана шу хислатларга алоҳида эътибор берди.

Албатта, спектаклнинг муваффақиятли чиқишида театр жамоасининг, унда иштирок этадиган бошқа актёрларнинг ҳам катта хизмати борлигини унутмаслик керак! Аммо бош рол ижросида тўқнашуларда ўз иқтидорининг қирраларини ёрқинроқ очди. Айниқса, унинг севгилиси Офелияга бўлган муносабатини олайлик. Қабристон саҳнасида ёришаётган чироқлар унинг кўзларидаги тўширилади. Билмадим, севгилисини кўрмаётган пайт, актёр қанчалар кўз ёш тўккан экан?!

Мунаққидлар Хамлетга файласуф, доно Шекспирнинг қарашларини ўзини муҳажирлаштирган образ деб баҳо беришди. Олим Хўжаев ҳам образни гавадалантирар экан, ана шу хислатларга алоҳида эътибор берди.

Албатта, спектаклнинг муваффақиятли чиқишида театр жамоасининг, унда иштирок этадиган бошқа актёрларнинг ҳам катта хизмати борлигини унутмаслик керак! Аммо бош рол ижросида тўқнашуларда ўз иқтидорининг қирраларини ёрқинроқ очди. Айниқса, унинг севгилиси Офелияга бўлган муносабатини олайлик. Қабристон саҳнасида ёришаётган чироқлар унинг кўзларидаги тўширилади. Билмадим, севгилисини кўрмаётган пайт, актёр қанчалар кўз ёш тўккан экан?!

Пардабой ТОЖИБОВ

Тадбир

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши томонидан Бўстонлик туманидаги «Семурғ» оромгоҳида тармоқ ходимлари ўртасида спартакиада ўтказилди. «Кшилоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда 100 га яқин ўқитувчи ва мураббий волейбол, стол теннис, шахмат, шашка ва мини-футбол бўйича голиблик учун курашди.





Ҳеч ким мағлуб бўлмади

Ўқитувчилар ўртасида спортга қизиқишни кучайтириш ҳамда уларнинг ташмунли дам олишини ташкил этиш мақсадида аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган бу тадбирда устозлар билан биргаликда ёш педагоглар ҳам иштирок этишди. — Спартакиадани ҳар йили ўтказамиз. Бу йил «Семурғ» оромгоҳини танладики, — дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши раиси Шухрат Деҳқонов. — Ходимлар икки кун мобайнида мусобақада қатнашиш билан бирга табиат қўйнида мароқли дам олишди. Спортда голиб ҳам, мағлуб ҳам бўлади. Лекин якунда ҳеч ким мағлуб бўлмади. Волейболда авллар фаоллик кўрсатишган бўлса, мини-футболда эркаклар яхши натижаларни қўлга киритишди. Шахмат, шашка, стол теннис баҳсларида ҳам бир-бирдан қизиқарли ўйинларнинг гувоҳи бўлдик.

Кейинги йиллардан спорт турларини янада кўпайтириш нишанаси бор. Хусусан, енгил атлетика, баскетбол, сув спорти бўйича ҳам мусобақа ўтказишнинг режалаштириаялмиз. — Бугунги спартакиадада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни олдик. Бунинг учун жамоадорларимга раҳмат айтмоқчиман, — дейди Ангрэн шаҳар бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Равшаной

Ғозиева. — Худудий босқичда ҳам голиб чиқандик. Бугун кўчма кубокни қўлга киритдик. Кейинги йилларда шу кубокни сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз. Умумжамоа ҳисобида оҳангаронликлар биринчи, чирчиқликлар иккинчи, қуйчириқликлар учинчи ва ўртачирчиқликлар тўртинчи ўринни банд этишди. АБДУЛҲАЙ ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири



Спорт хабарлари

АНЪАНАВИЙ СПАРТАКИАДА

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши томонидан соҳа ходимларининг жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган 18-илоят спартакиадаси бунга яққол мисолдир. 18 та жамоа қатнашган шахмат баҳсларида биринчи ўрин избосканлик спортсеварларга насиб этди. Шашка ўйинларида эса омад Пахтаобод тумани жамоасига кулиб боқди. Голиб ва совриндорлар таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан тақдирланди. Спартакиаданинг мини-футбол, волейбол ва стол теннис бўйича баҳслари эса Андижон Давлат университети спорт мажмуасида бўлиб ўтди.

АБДУЛҲАЙ ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб спортнинг катинг тури бўйича биринчилик ўтказилди. Мусобақада 15 та жамоа қатнашди.



Касбиликлар голиб

Уч йўналишда 9 ёшдан 14 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида фузорлик Искандар Иванов рақибларидан қаққонроқ ҳаракат қилиб, энг яхши натижага эришди. Шунингдек, 14 ёшдан юқори катингчилар баҳсида касбилик спортчилар Бахтиёр Раҳмонов, Файбулла Мусаев биринчи ўринга сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида Касби тумани ўқув спорт-техника клуби аъзолари биринчи ўринни қўлга киритиб, мусобаканинг мутлақ голиби бўлишди. Фузор ва Муборак тумани катингчилари ҳам совринли ўринларни эгалладилар.

Ўз мухбиримиз

Чилонзор ТСРУ инспекцияси томонидан 2009 йил 5 май куни 004857-08 реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган «EVROSTROY-PLYS» МЧЖнинг Устав ва Таъсис шартномаси йўқолганлиги учун БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмат ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича Вақиллиги Хоразм вилоят ҳокимлиги касба уюшма кўмитаси раиси Баҳром Оллоназаровга отаси Жаббор ОЛЛОНАЗАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади. Ўзбекистон агроносат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши Қўшқўпир туман кенгашининг собиқ раиси Раҳима МАТЧАНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADYEV

Jahongir SHAROFBOYEV

Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat ALLAYOROV,

Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti

Huquq va xalqaro hayot

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

Manzilizimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova

A. Abdiyev

S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Muzallar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Topshirildi - 20.20

Buyurtma G - 461

18410 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 5 6